(Давоми. Боши 1 бетда)

**Хайитбоев Эргаш** - Қибрай тумани «Ўнкўрғон» маҳалла фуқаролари йиғини раиси, Тошкент вилояти

**Шерметов Абдирим** - Боғот тумани «Қулонқорабоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Шорахмедов Даврон Ахмедович** - Юнусобод тумани «Турккўрғон» маҳалла фуқаро йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Эргашев Йўлдош** - Темирйўл тумани М.Шайхзода номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Эрматов Кўчқор Хасанович** - Ҳамза тумани «Тарнов боши» фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Юнусходжаева Муборак Юлдашевна** - «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари

**Республика қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда ва бу соҳаларда ислоҳотларни ўтказишда қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда халқ турмуш фаровонлигининг ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдувахапова Ширин Абдураҳимовна** - Дўстлик тумани ҳокимининг ўринбосари - хотин-қизлар қўмитаси раиси, Жиззах вилояти

**Абдухалилов Имомали** - Боғдод тумани «Намуна» ширкат хўжалигининг оила пудрати бошлиғи, Фарғона вилояти

**Алимов Мухтар Нафасович** - Нукус шаҳар ҳокимининг котибият бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Амиркулов Курбон** - Музработ тумани «Меҳнат-Роҳат» хусусий корхонаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Астанов Карим Узоқович** - Муборак тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

**Ахмедов Беккул** - Нурота тумани «Қизилча» жамоа хўжалиги ҳайдовчиси, Навоий вилояти

**Бадалов Эшдавлат** - Деҳқонобод тумани М.Ибрагимов номли жамоа-ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

**Базарбаев Урман** - Шаҳрихон тумани академик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси, Андижон вилояти

**Бегалиев Сайдулло** - Избоскан тумани ҳокими, Андижон вилояти

**Бобожонов Ислом Олимович** - Хоразм вилояти ҳокими

**Бурханов Мейлик Усмонович** - «Қашқадарё-мармар» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси, Қашқадарё вилояти

**Жабборов Тўлқин Отахонович** - Наманган вилояти ҳокими

**Жумаева Ханифа** - Сариосиё тумани Бобур номли ширкат хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Жўраев Файзулла** - Навбаҳор тумани О.Фармонов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Зайнутдинов Ибрат Анварович** - «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раиси

**Исаков Ином** - Жиззах тумани «Наврўз-С» фермер хўжалиги раиси, Жиззах вилояти

**Исроилов Келдиёр Азимович** - Жомбой тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Кароматов Ҳамидулла Саъдуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Кенжаева Парахат** - Конимех тумани Ҳ.Олимжон номли жамоа хўжалиги ишчиси, Навоий вилояти

**Кошкин Иван Алексеевич** - «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамиятининг цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Матязов Садулла** - «Туямуйинсувқурилиш» трестига қарашли монтаж бошқармаси экскаваторчиси, Хоразм вилояти

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Миржалилов Атхамжон** - Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

**Муқимов Хаким Бақоевич** - Вобкент тумани «Зарбдор» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

**Мухамедов Кудратулла Асадуллаевич** - Ҳамза тумани 2-уй-жой қуриш комбинатига қарашли 61-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Мўминов Нуъмонжон Шодиевич** - Фарғона вилояти ҳокими

**Носиров Гайни Рўзиевич** - Ғиждувон тумани Ф.Хўжаев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

**Носиров Мухамматжон Каримович** - Қува тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Олимжонов Бахтиёр** - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**Раҳмонбердиев Наманжон** - Ширин шаҳри Сирдарё ГРЭСи смена бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Рахимов Ўрин** - Иштихон тумани «Ўринбойобод» фермер хўжалиги раиси, Самарқанд вилояти

**Саидов Муродулла** - У.Юсупов тумани «Жейнов» қишлоқ ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Қашқадарё вилояти

**Саидов Хамро Хамдамович** - Пешку тумани «Амубухороканалқурилиш» бошқармаси 6-сон кўчма механизациялашган колоннаси бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

**Саидметов Бобожон** - Хонқа тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Хоразм вилояти

**Собиров Баходир Мухаммаджонович** - «Андижонмаш» ҳиссадорлик жамиятининг моделчиси, Андижон вилояти

**Содиқов Камолжон** - Қўрғонтепа тумани «Аваз» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Таджибаев Абдураҳим** - «Наманганқурилиш» акционерлик жамияти қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиғи, Наманган вилояти

**Таштемиров Арслон** - Чиноз тумани С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги сувчиси, Тошкент вилояти

**Тожиев Амин Хамроевич** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси

**Торениязов Сатнияз** - Кегейли тумани Б.Каримбердиев номли ширкатлар уюшмаси 6-сон ширкат мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Турғунов Икромжон** - Бувайда тумани «Дўстлик» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

**Умматов Эшбой Бойхўрозович** - Пахтачи тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Усмонов Ермат** - Ўртачирчиқ тумани «Усмон» деҳқон фермер хўжалиги раҳбари, Тошкент вилояти

**Хайитбоев Исоқул** - Ғаллаорол тумани «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Хакимов Матлаб** - Ургут тумани «Деҳқончилик қурилиш» акционерлик жамияти бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Халилов Эркин Ҳамдамович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси

**Халмуратова Майрам Авазовна** - Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Халқаро Телеком» акциядорлик компанияси бош директори, Тошкент шаҳри

**Ҳамидов Бахтиёр Султанович** - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Макроиқтисодиёт ва статистика вазири

**Хасанов Турушбой** - Зафаробод тумани «Турон» жамоа хўжалиги звено бошлиғи, Жиззах вилояти

**Холмуратов Иброгим** - «Хоразмирригацияқурилиш» трестига қарашли «Янгибозор» қурилиш-монтаж бошқармаси прораби, Хоразм вилояти

**Холхожиева Тахирахон Қосимовна** - Тўрақўрғон тумани «Олтин водий» ширкат хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Наманган вилояти

**Хусанходжаев Фридон Зухурович** - Яккасарой тумани «Гидропроект» ҳиссадорлик жамияти тажриба-лаборатория ва дала ишлари бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Хусенов Самойдин Қосимович** - Бухоро вилояти ҳокими

**Шодиева Бўритош** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари

**Эргашев Анваржон** - Оқолтин тумани «Фарғона» қишлоқ ширкат хўжалигининг 1-сон фермер хўжалиги раиси, Сирдарё вилояти

**Юлдашев Нурмамат** - Норин тумани А.Шамсиддинов номли ширкат хўжалиги механизатори, Наманган вилояти

**Янгибаева Гулжахон** - Беруний тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қодиров Қувондиқ** - Қизилтепа тумани 214-сон очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна ғишт терувчиси, Навоий вилояти

**Қодирова Соткиной Усмоновна** - Олтинкўл тумани «Тошкент» ширкат хўжалиги бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

**Курбонов Тиллахўжа** - «Кўмир» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 9-кўмир кони ишчиси, Тошкент вилояти

**Республика қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалари, бошқарув органларидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ватан олдидаги муносиб хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдурахимова Фарида Йўлдошевна** - Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Ахунова Роҳат Бойхановна** - Косонсой тумани «Бухоро» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Наманган вилояти

**Баймбетова Пердехан Адилбаевна** - Тахтакўпир тумани электр алоқаси бўлимининг электр монтери, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бектурдиев Бекберген** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

**Белоногов Виктор Васильевич** - Қиргули тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Булах Виктор Петрович** - «Сурхонирқурилиш» трестининг мармар тош терувчиси, Сурхондарё вилояти

**Галаганова Екатерина Ильинична** - Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Головина Нина Васильевна** - Олмалиқ шаҳар «Юлдуз» масъулияти чекланган жамияти қандолатчилик цехининг қандолатчиси, Тошкент вилояти

**Джуманиёзова Қизларгул Ембергеновна** - Хўжайли тумани «Найман» ширкат хўжалигининг бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Дилимов Айсултан Тугелович** - Қўнғирот тумани «Жанубгазқурилиш» ҳиссадорлик жамияти 1-сон қурилиш-монтаж филиалининг участка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Долгова Светлана Николаевна** - «Тошкент телефон тармоғи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг автомат телефон станцияси мухандиси, Тошкент шаҳри

**Емельянов Владимир Дмитриевич** - Хўжалик ҳисобидаги Сирдарё лойиҳа ишлаб чиқариш бошқармаси директори, Сирдарё вилояти

**Жалилов Аликул Хайитмаматович** - Зарбдор тумани «Андижон» ижара ширкатлар бирлашмасининг бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

**Жданов Владимир Васильевич** - Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари

**Жумаев Рустам** - Шаҳрисабз тумани «Хисоракгидроқурилиш» трестига қарашли 4-механизациялашган кўчма колоннасининг бульдозерчиси, Қашқадарё вилояти

**Зайкова Любовь Васильевна** - Зангиота тумани «Нур» наслли тухум ва парранда ишлаб чиқаришга ихтисослашган акциядорлик жамияти бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

**Зикриёев Эркул** - «Ўзпахтасаноатсотиш» акционерлик уюшмаси бошқаруви раиси

**Исанов Шавкат Эргашевич** - Пастдарғом тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Исроилов Алишер Хўжамович** - Зафаробод тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Йўлдошева Гулнора Ботировна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмита раиси

**Кровнов Александр Николаевич** - Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

**Куччиев Мирзамашраб Раззоқович** - Қибрай тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Кушматов Рахимжон** - Поп тумани «Пунгон» йўллардан фойдаланиш участкаси бульдозерчиси, Наманган вилояти

**Мақсудхўжаев Бахтиёр Нуъмонович** - Миробод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Павлов Александр Петрович** - Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи технологик қурилмаси бошлиғи, Бухоро вилояти

**Поляков Алексей Владимирович** - «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг транспорт ва сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассиси, Тошкент шаҳри

**Пророков Игорь Александрович** - Бектемир тумани «Сувмаш» насослар ва электр машиналари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш заводи директори, Тошкент шаҳри

**Пўлатова Робия** - Самарқанд шаҳрида якка тартибда иш фаолият кўрсатувчи-нонвой, Самарқанд вилояти

**Расулов Абдуманноб** - Марҳамат тумани ҳокими, Андижон вилояти

**Рашидова Сайёра Шарофовна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

**Рахимова Александра Николаевна** - Боғот тумани электр бўлими катта алоқачиси, Хоразм вилояти

**Саидова Галина Каримовна** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи

**Саматов Ашурали Маматбоевич** - Фарғона тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Фарғона вилояти

**Сатчин Владимир Мухамедхалиевич** - «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти 307-механизациялашган кўчма колоннаси монтажчилар бригадири, Тошкент вилояти

**Слюсаренко Александр Григорьевич** - Навоий тоғ-металлургия комбинати «Шарқий» кони бошлиғи, Навоий вилояти

**Суйинтаев Ергеш Суйеуович** - Томди тумани «Жана шаруа» акционерлик жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

**Тимофеева Ольга Аполлоновна** - «Андижон телеком» акционерлик жамияти Асака бўлими алоқачиси, Андижон вилояти

**Тожиев Хайит Кўзиевич** - Баҳористон тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

**Тургунов Обиджон Алиевич** - Андижон тумани йўл кўприклар қуриш бошқармасининг асфальт ётқизувчиси, Андижон вилояти

**Уразимбетов Қалмурза** - Нукус шаҳар 2-сон маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Утамов Жумабой Сапарбаевич** - Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

**Хабарова Раиса Александровна** - Кувасой шаҳар «TGM DELAROS» Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг ғишт пиширувчиси, Фарғона вилояти

**Ҳайдаров Бозорбой** - Чортоқ тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Холдоров Қосимжон Хошимович** - Сариосиё тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

**Холтоев Туроп** - Паркент тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Худойбердиев Сувон** - Навоий шаҳар «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Чкалов Валерий Павлович** - Бекобод тумани 6-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна жамоа ташкилоти бошлиғи, Тошкент вилояти

**Шамшиддинов Ғуломжон Тўлаганович** - С.Рахимов тумани 3-автобус саройи очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Шаталин Олег Яковлевич** - Муборак газни қайта ишлаш заводининг бош энергетиги, Қашқадарё вилояти

**Шиликов Виктор Макарович** - Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

**Эрбеков Исроил Йўлдошевич** - Ширин шаҳар ҳокими, Сирдарё вилояти

**Эргашев Ахтам Ибрагимович** - Учқудуқ туман ва шаҳар ҳокими, Навоий вилояти

**Юлдашева Мубораккхон** - Данғара тумани «Фарғона насос станциялари, энергетика ва алоқа» бошқармаси Қўқон бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

**Юрикова Людмила Петровна** - Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович** - «Ўзхимпром» кимё саноати корхоналари ассоциациясининг раиси, Тошкент шаҳри

**Ядгарова Рашида Туроновна** - «Жиззахтелекомшўъба» корхонаси Арнасой тумани филиали катта алоқачиси, Жиззах вилояти

**Ғуломмахмудов Абдували** - «Конструктор» жамоа корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

## «Жасорат» медали билан

**Нормуродов Мадилла Турсунович** - Яккабоғ тумани «Ҳисор» ширкатлар уюшмаси йилқибоқари, Қашқадарё вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Аббосов Ботиржон Боқиевич** - «Тошсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамияти 63-қурилиш-монтаж бошқармасининг бетон қуювчиси, Тошкент шаҳри

**Абдуғаппоров Захир Маликович** - Ғаллаорол тумани «Ғаллаорол» илмий ишлаб чиқариш агрофирмаси тракторчиси, Жиззах вилояти

**Абдуқадиров Баходир Абдувахабович** - «Ўзавтосаноат» уюшмаси иқтисодни белгилаш ва ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Абдуллаев Ғойибберди** - Хўжаобод тумани А.Набиев номли ширкат хўжалиги механизатори, Андижон вилояти

**Абдурасулов Саид Олимович** - Жиззах шаҳар «Алишер» хусусий жамоа корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Абидов Бахшулла Халиқович** - Жондор тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Авазниязова Иқбол** - Нишон тумани «Пахтаобод» қишлоқ ширкат хўжалиги ишчиси, Қашқадарё вилояти

**Аджиқулов Сарсенбай** - Мирзачўл тумани 21-автокорхона ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

**Азимова Давлат Исмоиловна** - Самарқанд шаҳри «Динамо» тикувчилик фабрикаси цех бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Айдарова Молдир Кеулимжаевна** - Оқолтин тумани алоқа бўлими муҳандиси, Сирдарё вилояти

**Айтбаева Мехрибон Реймбаевна** - Элликқалъа тумани «Оқ йўл» чорвадорлар жамияти сут соғувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Акбаров Мухаммадсоли** - Асака тумани Ғ.Ёқубов номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

**Алиев Салохиддин Набижонович** - Риштон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси экскаваторчиси, Фарғона вилояти

**Алимов Мардон** - Челак тумани П.Нурмонов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Алимов Рустам Пулатович** - Олтинсой тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

**Аллаберганов Комил Қодирберганович** - Қўшкўпир тумани «Қодирберган» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Амиров Мигдат Фотихович** - Тошкент шаҳар хўжалик ҳисобидаги Давлат идорадан ташқари экспертиза бошқармаси бошлиғи

**Амирова Лутфи Ҳакимовна** - Тўрақўрғон тумани Бобур номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

**Анорбоев Муса** - Бахмал тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Ахмедов Ринат** - Кармана тумани «Ичимликсув» ишлаб чиқариш бўлими бригадири, Навоий вилояти

**Ахмедов Рустам** - Янгиариқ тумани Ш.Рашидов номли жамоа хўжалиги шоличилик бригадаси бошлиғи, Хоразм вилояти

**Ахунов Уктам** - Хужаобод тумани ҳокими, Андижон вилояти

**Ашуров Эркин Иргашевич** - Андижон вилояти «Жамферлойиҳақурилиш» ширкатлар бирлашмаси раиси

**Ашурова Темирхон Абдуллаевна** - Сўх тумани «Озод» жамоа хўжалиги аъзоси, Фарғона вилояти

**Баратова Иззат** - Юқори Чирчиқ тумани «Гулистон» қишлоқ ширкат хўжалиги пиллакори, Тошкент вилояти

**Бегматов Тўхтамурод** - Гўзалкент тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Бийимбетов Каримбой Бийимбетович** - Нукус тумани «Кутанкўл» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бобоев Садулло Маманазарович** - Коғон тумани электр алоқа бўлими кабель пайвандловчиси, Бухоро вилояти

**Бобоева Аллома** - Олот тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси, Бухоро вилояти

**Бобожонова Ўғилжон Матназаровна** - Хива тумани «Хива гиламлари» ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси, Хоразм вилояти

**Бобожонова Зулхумор Хайитбоевна** - Термиз шаҳар алоқа корхонаси бўлим бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Бойматова Зухра Уримбоевна** - Пискент тумани «Ўзбекистон Мустақиллиги» номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Тошкент вилояти

**Бойханова Гулчехра Байтумановна** - Наманган шаҳар «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси, Наманган вилояти

**Болибеков Анвар Облоқулович** - Қўшработ тумани «Зармитан» олтин кони ишчиси, Самарқанд вилояти

**Бурханитдинов Рустамбек Анварович** - 12-қурилиш тресті ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри

**Вахабова Роза Жулиевна** - Янгиер шаҳри «Шодлик-Р» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси директори, Сирдарё вилояти

**Вохидова Саида Чуллиевна** - Қизириқ тумани савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўкон мудираси, Сурхондарё вилояти

**Гайназарова Канат** - Янгийўл тумани «Эски Қовунчи» жамоа хўжалиги аъзоси, Тошкент вилояти

**Давлятшин Равиль Вазизович** - Гулистон тумани махсус механизациялашган кўчма колоннаси катта прораби, Сирдарё вилояти

**Дадабоев Қаюм Каримжонович** - 25-Гулистон автобус саройи ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

**Дадамирзаев Комилжон Маликович** - Наманган тумани Қ.Солиев номли корпорациясида бригада бошлиғи, Наманган вилояти

**Деҳқонбоев Абдуғани** - Оққўрғон тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Деҳқонбоев Қаюмбой** - Ўртачирчиқ тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Джалалов Абдумуталиб** - «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасининг иқтисодий масалалар бўйича бош бошқарма бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Джумабаев Муратбай** - Тахиатош шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Джурабоев Исмаил Хусанович** - «Қўқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти 10-қурилиш-монтаж бошқармаси 2-филиали монтажчиси, Фарғона вилояти

**Дорохина Нина Петровна** - Навоий шаҳри «Дилрабо-Чародейка» масъулияти чекланган жамияти аёллар сартароши, Навоий вилояти

**Дошумбаев Кунғиротбой Ильясович** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - иқтисодиёт ва статистика вазири

**Ережепова Қонсулув** - Бўзатов тумани «Тўрткўл» чорва деҳқон фермер хўжалиги бош чўпони, Қорақалпоғистон Республикаси

**Есенкулов Рахим** - Арнасой тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Ешбаев Бурибай** - Кўнғирот тумани «Кўкдарё» қишлоқ хўжалиги ширкати бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ёров Сафарали Шофайзиевич** - Узун тумани Ж.Эшмирзаев номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Жабборов Ғуломиддин** - Норин тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Жамилов Акбар** - Нарпай тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Жамилов Хамиджон Билалиддинович** - Мингбулоқ тумани Нодира номли фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Жамолдинова Хуртожихон** - Асака тумани «Асака» боғдорчилик-узумчилик ширкатлар уюшмаси боғбони, Андижон вилояти

**Жўраев Жамолиддин Жўраевич** - Қибрай тумани Р.Мусамухамедов номли жамоа хўжалиги узумчилик ва боғдорчилик бригадаси бошлиғи, Тошкент вилояти

**Жўраев Миножиддин** - Ёзёвон тумани «Хонобод» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

**Жонибекова Иноят Жумаевна** - Бекобод тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пахтачилик оилавий пудратчиси, Тошкент вилояти

**Жураев Бойниёз Чориевич** - Сурхондарё вилояти пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси

**Жураев Сайфулло Тошмуродович** - Нарпай тумани «Иттифоқ» жамоа хўжалиги аъзоси, Самарқанд вилояти

**Зарипов Абдурахмон** - Тўрткўл тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Зохидов Бердимурот Комилович** - «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни иқтисодчилар кенгаши бош котиби, Тошкент шаҳри

**Зохидова Хосият Ражабовна** - Қоракўл тумани «Ўзбекистон» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси тикувчиси, Бухоро вилояти

**Зойиров Қобилжон** - Мирobод тумани «Ўзкимёфарм» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аппаратчиси, Тошкент шаҳри

**Икромов Махсут Махкамович** - «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат кооператив қўмитасининг бош бошқарма бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Искандаров Самандар Искандарович** - Тўрткўл тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исмадияров Кўчқорбой Ўлмасович** - Булоқбоши тумани машина трактор парки Давлат ҳиссадорлик жамияти бош мухандиси, Андижон вилояти

**Исмаилов Хурали** - Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси цех ишчиси, Тошкент вилояти

**Исматуллаев Рустамжон Махмудович** - Наманган тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмита раиси

**Исмоилов Тоштемир** - Зарбдор тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Исомов Джалолитдин** - А.Икромов тумани «Нон-Паста» ҳиссадорлик жамиятининг устаси, Тошкент шаҳри

**Йўлдошев Абдуқаҳхор Абдурахмонович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг котибияти юридик бўлими мудири

**Йўлдошев Далиқўзи Турдиевич** - Ҳамза тумани «1-Тошкент уй-жой қуриш комбинати» ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси, Тошкент шаҳри

**Йўлдошев Ортиқбой** - Боёвут тумани «Йўлдош ота» хусусий чорва фермаси раиси, Сирдарё вилояти

**Йўлдошев Ражаббой** - Амударё тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Йўлдошев Нарзулло** - Қоровулбозор тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Кайпназаров Жеткиншек Султамуратович** - Қонликўл тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Калилаев Бисенбай** - «Нукус ободончилиги» акционерлик жамиятининг автогрейдер ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Калкулов Мирзахўжа Низометдинович** - Юқоричирчиқ тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Калмуротов Утемурат** - Мўйноқ тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Камалиев Юлдаш** - «Оҳангарондон» акционерлик жамияти 2- тегирмон бошлиғи, Тошкент вилояти

**Камолов Рахматулло Ибрагимович** - Тошлоқ тумани «КамРах» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Каримов Бахтиёр Каримович** - «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси иқтисод ва қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Каримова Малика Алдаевна** - Қумқўрғон тумани «Беш қаҳрамон» ҳиссадорлик жамияти бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

(Давоми 3 бетда)

*Эътироф*

**Ташрифнома: Эмил Капудалиев София университетини тугатган, ихтисоси бўйича файласуф. Радикал - демократик партия асосчиларидан бири, 36- ва 37-чақириқ Болгария парламенти депутати. У, шунингдек, София Театр институтининг режиссёрлик бўлимини ҳам тамомлаган. Болгария телевидениесида 25 йил ишлаган.**

# «БИЗНИНГ ИЛДИЗИМИЗ ШУ ЕРДА, ЎЗБЕКИСТОНДА»

**– дейди Болгария Республикасининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар бўйича ишончли вакили Эмил Капудалиев**

Болгария Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар бўйича ишончли вакили лавозимида 1999 йил 19 апрелдан буён ишлаб келаётир.

**- Жаноб Капудалиев, мамлакатимизга қандай ҳиссиётлар билан ташриф буюрдингиз ва ўз вазифангизни нималардан иборат, деб биласиз?**

- Биринчидан, менга ушбу масъулиятли вазифани топширганликлари учун ҳукуматим ва Болгария ташқи ишлар вазирлигидан миннатдорман. Ўзбекистонга тайинланишимни инсон ва фуқаро сифатида фаолиятимга берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Иккинчидан, бу мен учун омад. Нега дейсизми? Яқинда тарихчилар шундай манба топишдики, унга қараганда болгар халқининг келиб чиқиши Амударё ва Сирдарё оралиғида экан. Кейинроқ болгарлар Волга дарёси томон силжиб, ўша жойда Буюк эркин Болгария тузганлар. Бизга ҳамиша славянсизлар, деб уқтириб келишарди, биз эса ўзбек халқига ўхшаб ўзига хосмиз. Менинг Ўзбекистонда бўлишим, умид қиламанки, халқимнинг илдизини чуқуррoқ ўрганишимга кўмаклашади, ахир ўтмишсиз келажак йўқ ва ёшларимиз ўз аждодларининг ҳаёти тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари керак. Учинчидан, икки томонлама ўзбек-болгар муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда менинг ҳам муносиб ҳиссам бўлиши лозим.

**— Сизнингча, ҳозир мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қай даражада фаол ривожланмоқда.**

— Менинг назаримда, икки томонлама ҳамкорлигимиз ўзгача кўлам касб этяпти. Ўйлашимча, муносабатларимиз энди-энди йўлга қўйилаётир ва ҳадемай бутун куч билан ишлай бошлайди. Озиқ-овқат саноатида, хусусан, виноликёр маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ўрнатилган алоқалар анчайин дуруст. Биз телекўрсатувлар, рақс ва хор дасталари ўртасида ўзаро борди-келди қилишимиз, Тошкент театрлари саҳналарида болгар муаллифларининг спектакл ёки балетларини қўйишимиз мумкин.

**- Сизнингча, қайси соҳалардаги ҳамкорлик истиқболли туюлади?**

- Биринчи навбатда, бу саноат ва сизларда жуда ривожланган қишлоқ хўжалиги соҳаларидир. Биз қўшма корхоналар ташкил қилишимиз мумкин. Мамлакатимиз эҳтиёжлари учун ёнилғи етишмайди ва бу масалада, ўйлайманки, келажакда ТРАСЕКА дастури бўйича қуриладиган транспорт йўлаги бизга ёрдамга келади. Болгария эса ўз навбатида тоғ-кон саноатида, машинасозликда қўлланиладиган ускуналар, маъданли сувлар, писта ёғи каби озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериши мумкин.

**- Ўзбекистонга келганингиздан буён уч ой ичида юртимиздаги барча шаҳарлар билан бўлмаса-да, ҳойнаҳой пойтахтимиз билан анчайин танишишга улгургандирсиз. Ўз таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

- Мен ҳукумат делегацияси таркибида Самарқандда бўлдим, бироқ шаҳарни обдон кўришга улгурмадим. Имкон бўлди дегунча, албатта Самарқанд, Бухоро, Хивага бориб, барча меъморий ёдгорликларни пиёда кезиб томоша қилиш, кўҳна тарих саҳифаларини ҳаёлан варақлаш орзусидаман. Ушбу шаҳарлар аҳолиси билан, ёшидан қатъи назар, учрашиб, дилдан суҳбатлашиш истагим бор. Шундай қилибгина, менинг наздимда, халқ нима билан ва қандай яшаётганлигини билиш, уни яқиндан таниш мумкин.

Мени Тошкент ҳайратга солди - фавқулодда яшил бу шаҳарда қадимий меъморчилик билан замонавий бинолар гўзал тарзда уйғунлашиб кетган экан. Шаҳар олий дид билан қурилаётганига ишонч ҳосил қилдим. Мен иш билан шаҳарда бўлганимда ва гавжум жойларда тўхтаганимда шаҳарликлар, пойтахт меҳмонлари машинага илиб қўйилган байроқ кимники эканлигини албатта сўрашади. Ва бу байроқ Болгария Республикасиники эканлигини билгач, дўстона табассум ҳадя қилишади, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишига истаклар билдиришади.

Суҳбатимиз якунида мен бутун Ўзбекистонни, унинг халқини истиқлолнинг 8 йиллиги билан қутлаб, ютуқлар ва келажакка ишонч туйғулари ҳамиша ҳамроҳ бўлишлигини тилаб қоламан.

**Лайло АЗИЗОВА,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

# МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАРИМИЗ СИЗГА

**Шу кунларда Республикамизнинг қайси бир гўшасида бўлманг, истиқлол байрамининг 8 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.**

**Халқимизнинг бу қутлуғ шодиёнасига эл суйган санъаткорлар ҳам сидқидилдан хизмат кўрсатиш, Она Ватан, Истиқлолни, ҳурликни, фидойиликни ўз қўшиқларида мадҳ этиб, қалбларга завқ улашишни шарафли бурч деб биладилар.**

**Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси ҳам истиқлол байрамига муносиб совғани ҳозирлади.**

— Мустақиллик санъаткорларимизга ҳам кенг имкониятлар берди, - дейди директор ўринбосари Муслим Исмоилов, - Филармония Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясига айлантирилгач, хонанда-ю, созандалар билан ижодий ҳамкорлик қилиш, бадиий дасталар сафини кенгайтириш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилди. Эндиликда ўзбек мумтоз қўшиқлари баралла янграмоқда. Истеъдодли, таниқли ҳофизларимиз хорижий мамлакатларга тез-тез сафарга чиқишаяпти. Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиши, санъаткорларимиз учун ҳам катта омад бўлди.

Дирекцияга қарашли Давлат хор капелласи, Тўхтасин Жалилов номидаги миллий халқ чолғу оркестри, «Туркистон» ва «Ўзбекистон» оркестрларининг солистлари халқимизнинг ҳар бир тадбирида ранг-баранг дастур тайёрлаб, эл олқишига сазовор бўлишаяпти. Истиқлол байрамига эса янада катта тайёргарлик кўрилди.

Байрам куни эрта тонгдан пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига ташриф буюрган юртдошларимиз ва меҳмонлар кўнглини хушнуд этиш, шодлик улашиш мақсадида Ўзбекистон халқ артисти Дилафрўз Жабборова раҳбарлигидаги «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли,Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов бошчилигидаги Ўзбек мумтоз ашула ва рақс ансамбли, Абдуҳошим Исмоиловнинг «Мақом» гуруҳи ва бошқалар ўз истеъдодларини намойиш этадилар.

Ҳар бир бадиий жамоа ўзбек миллий санъатини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқимизнинг урф-одатлари, қадриятларини эъзозлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Бу дориламон кунларни, матонатли халқимизни, ҳур диёримизни мадҳ этишдан ортиқ бахт борми!

**Абдулла АЙИЗОВ,**
**«Ишонч»мухбири.**

# ТЎЙГА ТЎЁНА





Тойлоқ Самарқанд вилоятининг энг кенжа туманларидан бири ҳисобланади. Бу ерда қурилиш ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилипти.

Хусусан, Мустақиллик байрами арафасида тумандаги 450 ўқувчига мўлжалланган Республика олимпия захиралари спорт коллежи, «Боғизоғон» жамоа хўжалигида қишлоқ врачлик пункти, 2000 ўринлик стадион, «Қўшчинор» ва «Улуғбек» жамоа хўжаликларида янги мактаблар фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, тадбиркор Баҳодир Маърупов ва россиялик бунёдкорлар билан ҳамкорликда бунёд этишган, кунига 400 тонна помидорни қайта ишлайдиган консерва заводи ишга туширилади.

**Суратларда: Тойлоқ туманидаги янги фойдаланишга топширилаётган Республика олимпия захиралари спорт коллежида сўнгги ишлар бажарилмоқда.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ибрат*

# НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Нуронийларимиз бизнинг фахримиз, суянган тоғларимиздир. Уларнинг бой тажрибаси, доно маслаҳатлари муҳим ишларни амалга оширишда ғоят асқотмоқда. Ўзбекистон Президентининг Фармонига кўра, Республика «Нуроний» жамғармаси ташкил этилганлиги отахону онахонларимизни эъзозлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини тубдан жонлантириш имконини берди. Буни Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туман «Нуроний» жамғармаси фаолияти мисолида ҳам кўрса бўлади. Унинг раиси Муртазо Усмоновнинг таъкидлашича, айни кунларда жамғарманинг 48 маҳаллада ҳудудий бўлимлари иш олиб бормоқда. «Ҳувайдо», «Оқилон», «Чўпонота» каби маҳаллалар тажрибаси кенг оммалаштириляпти. Боиси, уларда ижтимоий ҳимоялашда ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Масалан, айрим жойларда кичик корхоналар ташкил этилди. Улардан келган даромаднинг муайян қисми ёрдамга муҳтож оилалар, қарияларни қўллаб-қувватлашдек савобли ишларга сарфланмоқда. Айни кунларда туман бўйича саккизта ана шундай корхона фаолият юритаяпти.

«Ҳувайдо» маҳалласи фаолларидан кўп нарса ўрганса бўлади. «Оталар чойхонаси»да қизиқарли учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб турилади. Қўли гул боғбон Маърифжон отанинг ҳикоя қилишича, одамлар бир-бири билан иноқ, оқибатли. Тўйлар камчиқим, замонавий, бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказилмоқда. Исрофгарчиликка асло йўл қўйилмайди. Маҳалла қўмитасининг фаоллари, нуронийлар ҳар бир тадбирни назорат қилиб борадилар. Агар бирон кимса ўзини кўрсатишга, аниқроғи, дабдабабозликка берилса, кўплашиб тартибга чақиришади.

Ҳашар йўли билан бу ерда кўп яхши ишлар амалга оширилди. Жарлик боққа айлантирилди. Йўллар, гузар ободонлаштирилди. Ибратли ишлардан яна бири-12 нафар уруш қатнашчисининг саломатлиги ҳақида алоҳида қайғурилмоқда. Табаррук кишилар вақти-вақти билан тиббиёт кўригидан ўтказиб турилади. Лозим бўлса, уруш ва меҳнат фахрийлари энг яхши касалхонага ётқизиладилар. Дори-дармондан камчилик йўқ. Шунингдек, маҳалла фаоллари Ғафур Ғулом номли ўрта мактаб ёшлари ўртасида тарғибот ишларини намунали олиб боришмоқда.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ.**


**Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси**

***Соҳа касаба уюшмалари аъзоларини Мустақиллик байрами билан чин қалбдан табриклайди!***

Файзли хонадонингиздан қут-барака аримасин! Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистон гуллаб яшнайверсин!


*Ҳар тўғрида*

## ЖАРАНГДОР МУЗЕЙ

Бу музейга ташриф буюрувчилар ўз таассуротларини ёзиб қолдирадиган дафтарда: «Бу музей дунёдаги ана шундай музейлар ичида энг ажойиби», деган сўзларни ўқиш мумкин. Дарҳақиқат, қўнғироқлар бўйича йирик мутахассис Мичиган университетининг профессори П. Прейс бу сўзларни ёзганида мутлақо ҳақ эди.

1952 йилда ташкил этилган мазкур музейнинг экспозициясида 90 дан зиёд қўнғироқ бўлиб, айни вақтда шу қўнғироқларнинг тарихи тўғрисида батафсил маълумотларни билиб олишингиз мумкин. Музейдаги қўнғироқлар орасида эрамиздан аввалги III-II асрларда Кичик осиёда ясалган қуш шаклидаги қўнғироқлар, шунингдек, қадимги Мисрнинг жимжилоқдек келадиган ҳамда чиябўри калласи шаклидаги қўнғироқлар ҳам бор.


Хусусий «Давр - Ст» фирмаси ўз фаолиятини тугаллайди. Таклиф-эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 40-11-03 телефони орқали

**қабул қилинади.**


Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг Андижон вилоят Қўмитаси Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бош директори Мўмин Қаюмовга падари бузруквори

**Каримжон Ҳожи**

отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**ISHONCH**

**МУАССИС:**
***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси***

Бош муҳаррир
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Босишга топшириш вақти – 21.00 Топширилди 01.50

Буюртма Г— 0648. 1 2 3 4 5 6